

Шеробод туманида навбатдаги ўқув семинар ўтказилди.



Семинарда маҳалладаги хотин-қизлар фаолининг тўғридан-тўғри ва маҳалла "еттилиги" билан ҳамкорликдаги вазифалари, хотин-қизлар фаоли ишини самарали ташкил этиш хотин-қизлар билан ишлаш масаласида намунавий тизим яратиш, хотин-қизлар муаммолари ўрганилиб, "Йўл харита"лари ишлаб чиқиш ва амалга ошириш борасида маълумот бериб ўтилди.

Семинарда туман ҳокими ўринбосари Г.Аминова томонидан "Йўл харитаси"да белгиланган тадбирлар ижросини ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш, амалга ошириладиган ишлар юзасидан ҳар ойда Халқ депутатлари туман Кенгашига маълумотлар киритиб борилиши белгиланди.